

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь–мартида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 654,6 млрд. сўми (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 0,08 миллиард АҚШ долларини) ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 126,0 фоизни ташкил қилди.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2018 йил январь–март)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	654,6	126,0	100,0
<i>шу жумладан</i>			
Марказлашган инвестициялар:	102,5	195,6	15,7
бюджет маблағлари	19,5	51,0	3,0
бюджетдан ташқари фондлар	3,4	44,5	0,5
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	79,6	11мр	12,2
Марказлашмаган инвестициялар	552,1	118,3	84,3
корхоналарнинг ўз маблағлари	210,0	96,0	32,0
аҳоли маблағлари	137,6	115,6	21,0
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	18,2	35,7	2,8
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	186,3	242,9	28,5

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Фарғона вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(январь-март, фоиз ҳисобида)



2018 йилнинг январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби

	Жами	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами инвестициялар, млрд.сўм	654,6	140,5	514,1
<i>шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:</i>			
давлат бюджети маблағлари	19,4	12,9	6,5
давлат мақсадли жамғармалари маблағлари	3,4	3,4	0,0
корхоналар ва аҳоли маблағлари	347,6	44,0	303,6
чет эл инвестициялари ва кредитлари	97,9	79,7	18,2
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	186,3	0,5	185,8
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	0,0	0,0	0,0

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича
асосий капиталга киритилган инвестициялар**

	<i>Январь–март</i>			
	<i>2017 й.</i>	<i>умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>	<i>2018 й.</i>	<i>умумий ҳажмга нисбатан фоизда</i>
Жами, млрд.сўм	496,7	100,0	654,6	100,0
<i>шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	26,6	5,3	63,8	9,7
тоғ–кон саноати	2,3	0,5	13,5	2,1
ишлаб чиқариш саноати	71,0	14,3	98,3	15,0
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	4,3	0,9	13,1	2,0
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	4,5	0,9	80,8	12,3
қурилиш	51,8	10,4	19,4	3,0
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	36,0	7,3	32,6	5,0
ташиш ва сақлаш	32,9	6,6	45,0	6,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5,5	1,1	6,1	0,9
ахборот ва алоқа	16,8	3,4	6,0	0,9
молиявий ва суғурта фаолияти	3,0	0,6	3,0	0,5
профессионал, илмий ва техник фаолият	6,7	1,4	9,7	1,5
таълим	9,1	1,8	1,5	0,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	12,6	2,5	7,7	1,2
Бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	166,7	33,6	231,4	35,3
санъат, кўнғил очиш ва дам олиш	4,1	0,8	5,2	0,8

	Январь–март			
	2017 й.	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	2018 й.	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
бошқа фаолият турлари	42,8	8,6	17,5	2,7

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ–кон саноатида – 13,5 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 2,1 фоиз), шундан хом нефть ва табиий газ қазиб олиш – 0,6 млрд. сўм (0,9 фоиз), ишлаб чиқариш саноатида – 98,3 млрд. сўм, (15,0 фоиз) шундан озиқ–овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари – 11,7 млрд. сўм (1,8 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим – 24,4 млрд. сўм (3,7 фоиз), кимё маҳсулотлари – 4,6 млрд. сўм (0,7 фоиз), нометалл минерал маҳсулотлар – 22,8 млрд. сўм (3,5 фоиз), металлургия – 0,5 млрд. сўм (0,1 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 13,1 млрд. сўм (2,0 фоиз), қурилиш – 19,4 млрд. сўм (3,0 фоиз), ташиш ва сақлаш – 45,0 млрд. сўм (6,9 фоиз), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш – 32,6 млрд. сўм (5,0 фоиз), ахборот ва алоқа – 6,0 млрд. сўм (0,9 фоиз), профессионал, илмий ва техник фаолият – 9,7 млрд. сўм (1,5 фоиз), таълим – 1,5 млрд. сўм (0,2 фоиз), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар жой бинолари қурилишига – 231,4 млрд. сўмлик (35,3 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

Кирилган инвестицияларда катта улушга эга бўлган соҳалар

(январь-март ҳолатига, фоизда)



Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.


2018 йил январь–март ойларида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 97,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 169,3 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2018 йилнинг январь–мартида)

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	97,9	81,4	18,6
<i>шу жумладан:</i>			
давлат	79,7	81,4	0,0
нодавлат	18,2	0,0	18,6

Ҳисобот даврида Фарғона вилоят бўйича тўғридан – тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги нодавлат секторига киритилган улуши 18,6 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (январь-март, умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишга тўғри келиб, жами инвестиция хажмида – 81,3 фоизни ташкил қилди ва 2017 йилнинг январь–март ойларида ушбу соҳада инвестициялар ўзлаштирилмади.

Шу билан бирга, қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилиши камайганлиги кузатилди: ишлаб чиқариш саноатида – 75,9 фоизга, (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 56,9 фоиз), Ахборот ва алоқа соҳасида – 3,9 марта (25,9 фоиз) ва тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқаришда – 4,9 марта (20,1 фоиз).

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 231,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар хажмининг 35,3 фоизини ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-мартида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар–жой ва ижтимоий соҳа объектлари

	Барча манбалар ҳисобидан			
	<i>фойдаланишга топширилди</i>		<i>2017 йил январь–мартига нисбатан фоизда</i>	
	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>шу жумладан қишлоқ жойларда</i>
Уй–жой, умумий майдони минг.кв.м	183,0	134,5	75,9	56,3
<i>ундан:</i>				
якка тартибдаги уй–жойлар	152,3	103,8	81,8	56,4
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	30,7	30,7	56,0	56,0
Касалхоналар, ётоқ ўрни	-	-	-	-
Умумий таълим ва махсус мактаблар, ўқувчилар ўрни	-	-	-	-
Сув тармоқлари, км	37,0	35,6	130,3	144,1
Газ тармоқлари, км	1,9	1,9	32,8	-

2018 йил январь–мартида умумий майдони 183,0 минг кв.м. бўлган 1 645 мингта уй ёки 1 645 мингта квартира (2017 йилнинг январь–мартига нисбатан 90,9 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 134,5 минг кв.м. (72,2 фоиз) уй–жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 37,0 км сув тармоқлари (35,6 км қишлоқ жойларда) ва 1,9 км газ тармоқлари (1,9 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, сув тармоқлари 2017 йилнинг январь–мартига нисбатан 130,3 фоизни, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич 144,1 фоизни ташкил қилди.

Касалхоналар, амбулатория – поликлиника муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари, олий таълим муассасалари, лицей ва касб–ҳунар коллежлари, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва капитал реконструкция қилишга инвестициялар ўзлаштирилмади.

Сув тармоқлари қурилишига 516,4 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 516,4 млрд. сўм (100,0 фоизи) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 55,0 млн. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 55,0 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 фоизи) ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти

2018 йил январь–мартида 521,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг январь–мартига нисбатан 111,8 фоизни ташкил этди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби

	<i>январь–март</i>	
	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>
Қурилиш ишлари, млрд. сўм	383,9	521,7
<i>шу жумладан:</i>		
давлат	2,2	1,3
нодавлат	97,8	98,7

Қурилиш ишларини мулкчилик шакллари бўйича кўриниши (январь-март, фоиз ҳисобида)



Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 515,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 98,7 фоизини ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Фарғона вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 521,7 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 98,7 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Фарғона шаҳрида 97,2 фоизни (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизга кўпайган) Ўзбекистон туманида – 99,5 фоиз (0,1 фоизга), Ёзёвон туманида 98,5 фоизни (0,2 фоизга) ташкил қилди.

Шу билан бирга Қўқон шаҳрида 99,3 фоизни, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 0,3 фоизга камайгани кузатилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 76,0 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қурулантиришга, 24,0 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.